

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОГИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЕСЕМУРАТОВ АБДИМУРАТ ЕСЕМУРАТОВИЧ**

**ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ-ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**10.00.03 – Қорақалпоқ тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Есемуратов Абдимурат Есемуратович**

Хўжайли тумани топонимларининг тарихий-лингвистик таҳлили.....3

**Есемуратов Абдимурат Есемуратович**

Историко-лингвистический анализ топонимов Ходжейлийского района .....23

**Esemuratov Abdimurat Esemuratovich**

Historical and linguistic analysis of place names of the Khodjeyli region .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОГИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЕСЕМУРАТОВ АБДИМУРАТ ЕСЕМУРАТОВИЧ**

**ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИ ТОИОНИМЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ-ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**10.00.03 – Қорақалпоқ тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil547 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Эназаров Толиб Джуманазарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Дусимов Зариббой**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Абишев Генжебай**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи муассаса:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» «август» куни соат 1<sup>0</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «8» «август» куни тарқатилди.  
(2022 йил «8» «август» даги 8 рақамли реєстр баённомаси).



**К.К. Оразымбетов**  
Илмий раҳбар берувчи илмий кенгаш  
ушшс. филол. ф.д., профессор

**Д.Б. Сейткасымов**  
Илмий раҳбар берувчи илмий кенгаш  
илмий раҳбар, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Қ.А. Пахратдинов**  
Илмий раҳбар берувчи илмий кенгаш  
кошдаги Илмий семинар раиси в.б.,  
филол. ф.н., доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аниотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда номшунослик, хусусан, топонимика соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, топонимларни муайян ҳудуд нуктаи назаридан тадқиқ қилиш долзарб масалага айланган. Мустақиллигимизнинг натижаси ўлароқ бошқа соҳалар қаторида илм ва фан тизимида ҳам катта ютуқларга эришилди. Жумладан, тилшунослик ва ономастика тизимида бўлган муносабат ҳам ўзгарди, тизимга миллий маънавиятимиз ва маданиятимизнинг таркибий қисми деб қараладиган бўлди. Шулар қаторида жой номларига муносабат доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Дунё тилшунослигида лингвистика, тарихий, географик топонимика, ареал лингвистикага оид қатор изланишлар олиб борилди. Айниқса, ойконим, гидроним, ороним, агиотопоним ва некронимлар каби топонимик бирликларини янги лисоний парадигмалар асосида тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий таракқиёти ва такомилени ёритишда, тилнинг номинатив, коммуникатив функциялари моҳиятини ақс эттиришда, ономастик тизимининг ривожини, шакл ва мазмунининг такомилени ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Қорақалпоқ тили топонимикаси анча ривожланган бўлса ҳам, республикамизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Хўжайли тумани топонимияси лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Топонимлар тилимиздаги бошқа лексик бирликлар каби тил таракқиётининг муайян сарҳадларида шаклланади. Айниқса, буюк келажакимизни қуришни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоёлар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак<sup>1</sup>. Демак, топонимларни тўплаш, лисоний, этимологик ва тавсифий нуктаи назардан таҳлил қилиш тилшуносликнинг баъзи соҳаларини, хусусан, лексикология, диалектология, терминология, айниқса, ўлканинг топонимикасини ўрганишда ишончли манба, асос бўлиши шубҳасиздир. Булар мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини таъминловчи омиллар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон «Фанлар академияси фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг «Давлат тили тўғрисидаги Қонуни» (1989 йил 21 октябрдаги ўзбек тили тўғрисидаги ва 1989 йил 1 декабрдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.

қорақалпоқ тили тўғрисидаги), «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги роли ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (2017 йил 22 декабр ва 2018 йил 28 декабр) ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида маълум ҳудуднинг топонимиясини махсус ўрганишга доир бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Жумладан Г.Закирова, А.Гараева, А.Гальцова, М.Суркова, А.Егурновалар<sup>2</sup>, туркий тилшуносликда К.Конкобаев, К.Рисбергенова, Р.Ҳазиев, Р.Садиқова, З.Калгаманова, О.Махмаджонов, Л.Шарифуллина<sup>3</sup>, ўзбек тилшунослигида Т.Нафасов, З.Дўсимов, Ж.Латипов, С.Бўриев, Ю.Неъматоваларнинг ишларида<sup>4</sup> топонимлар структур-семантик, тарихий-лингвистик жиҳатдан ўрганилган.

Қорақалпоғистон топонимларининг ясалиш асослари, мотивлари, баъзи атамалар этимологиясига оид фикрларни илмий таҳлил қилиш ўтган асрнинг 60 йилларидан бошланди. Муस्ताқиллигимизнинг илк йилларидаёқ Қорақалпоғистон ҳудудидаги собиқ иттифоқ даврида номланган топонимларга ўзгаришлар киритилиб, географик объектларнинг қадимий тарихий номлари қайта тикланди, она тилимиздаги сўзлар билан аташ имконияти яратилди. Бу ҳолат қорақалпоқ тилининг миллий сўз бойлигини ташкил этадиган тарихий топонимларнинг унутулиб кетиш хавфининг олдини олади. Бугунги кунда «илмий ва ижодий изланишларни хар

<sup>2</sup> Закирова Г. К. Историко-лингвистический анализ ойконимии Казанского ханства: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казань: 1998. – 24 с.; Гараева А.К. Историко-лингвистический анализ топонимов Елабужского уезда: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Елабуга: 2004. – 24 с.; Гальцова А. С. Лингвокультурологический потенциал Петербургской топонимии: Автореф. дис... канд. филол. наук. Санкт – Петербург: 2011. – 22 с.; Суркова М.С., Егурнова А.А. Историко-лингвистический анализ топонимов Великобритании // Успехи современного естествознания. – М.: 2012. - №5. – С. 140-141.

<sup>3</sup> Конкобаев К. Топонимия Южной Киргизии: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М.: 1983. – С. 24; Рисбергенова К. К. Историко-лингвистический анализ топонимов Южно-Казахстанской области. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алматы: 1993. – С. 20; Ҳазиев Р.И. Историко-лингвистический анализ ойконимии Юго-Восточного Закамья Татарстана: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казань: 2000. – С. 25; Садиқова Р.К. Историко-лингвистический анализ тюрко-татарской топонимии Ульяновской области Российской Федерации: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казань: 2003. – С. 25; Шарифуллина Л.В. Историко-лингвистический анализ топонимов бассейна реки уй – притока Иртыша: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тобольск: 2009. – С. 24; Калгаманова З.М. Структурно-семантическая интерпретация топонимии Нижнего Притобоя: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тобольск: 2011. – С. 25; Махмаджонов О.О. Историко-лингвистическое исследование топонимии Гиссарской долины Таджикистана. Автореф. дис... док. филол. наук. – Душанбе: 2010. – С. 53.

<sup>4</sup> Нафасов Т. Топонимы Кашкадаринской области: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т.: 1968. – С. 24; Дўсимов З. Топонимии Северного Хорезма: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т.: 1970. – С. 20; Латипов Ж. Топонимия города Маргилана и его окрестностей: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т.: 1975. – С. 36; Бўриев С. Уруг тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т.: 2010. – С. 23; Неъматова Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалсаф. док. Автореф. – Нам.: 2018. – Б. 52.

томонлама кўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитлар яратиш»га<sup>5</sup> алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қорақалпоқ тилшунослигида тадқиқотлар ҳажмини янада кенгайтириш, шунингдек, топонимлар бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш заруратини кўрсатади. Шунинг учун, топонимларни тўплаш, уларнинг номланиши, тилда яшаш шакли, уларнинг муайян ҳудудларда тарқалиш ҳолатлари сабабларини ўрганиш, шаклланиш эволюцияси билан боғлиқлиги масалаларига аниқлик киритиш – ареал лингвистик тадқиқотларда муносиб ўрин эгаллайди.

Қорақалпоғистон топонимлари бўйича Г.Вамбери, В.В.Бартольд, Риза Кули Мирза, Я.Г.Гулямов, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Э.М.Мурзаев, Н.А.Баскаков ва бошқа олимларнинг илмий асарларида<sup>6</sup> сўз юритилган. Хўжайли туманининг баъзи топонимлари Қ.Абдимуратов, В.Н.Ягодин, Г.Хожаниязов ва О.Юсуповларнинг илмий ишларида<sup>7</sup> турли аспектларда ўрганилган бўлса ҳам, ҳозиргача туман топонимларининг семантик хусусиятлари, грамматик тузилиши алоҳида лингвистик нуқтаи назардан тўлиқ тадқиқ этилмади<sup>8</sup>.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Қорақалпоқ тили тарихи», «Қорақалпоқ тилининг тарихий грамматикаси», «Ҳозирги филология фанининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Хўжайли туманидаги ер-сув атамаларини монографик асосда маълум ономастик тизимга солиш орқали уларнинг семантик хусусиятлари, ясаиш усуллари ва тузилишини аниқлаш, индикаторларнинг маънавий-тематик турларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хўжайли тумани топонимларини лексик-семантик таснифлаш ва тавсифлаш;

табiiй-географик топонимларнинг семантик таҳлилини бериш;

---

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис Палаталарнинг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 26.

<sup>6</sup> Вамбери Г. Путешествие по средней Азии. – М.: 1974. – С. 379; Бартольд В.В. Сочинения. В 9-х томах. – М.: Наука, 1965. – Т.: III. – С. 713; Ризакули Мирза. Краткий очерк Аму-Дарьинской области. – СПб.: 1875. – С. 124; Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма. – Ташкент: 1957. – С. 8. Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // Краткие сообщения института этнографии АН СССР. – М.: 1947. – С. 232; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.: 1950; Мурзаев Э.М. Очерки топонимии. – М.: Мысль, 1974; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (материалы по диалектологии). – М.: 1951. Том I, II.

<sup>7</sup> Абдимуратов Қ. Неге усылай аталган? – Н.: Қарақалпақстан, 1965. – Б. 10; Ягодин В. Н., Беттс А.В. Золотое кольцо Хорезма. – UNESCO, 2009. – С.52; Хожаниязов Ғ., Юсупов О. Қарақалпақстандағы муҳаддес орындар. – Н.: 1994. – Б. 7.

<sup>8</sup> Сейтғиязов К. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии: дисс. ... канд. геогр. наук. – Т.: 1998; Қурбанов М. Қарақалпақ тилиндеги географиялық терминлердің лексика-грамматикалық өзгешеліктері: филол. илим. канд. ... дис. – Н.: 2011; Мәмбетова Г. Қарақалпақстанның арқа районлары гидронимлери: Филол. илим. филос. док. (PhD) ... дис. – Н.: 2018. – Б. 53; Абишев Г. Шымбай районы топонимлериниң тарийхый-лингвистикалық анализи: Филол. илим. филос. док. (PhD) ... дис. – Н.: 2019. – Б. 53.

ижтимоий-иқтисодий топонимларнинг семантик хусусиятларини ёритиш;

топонимларнинг номинацион-мотивацион ва этимологик таҳлилин амалга ошириш;

Хўжайли тумани топонимиясининг бошқа ҳудудлар билан муштарак ва ўзига хос жиҳатларини белгилаш.

топонимларнинг ясалиш усуллари, грамматик қурилиши ва структур моделларини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқот объектини мустақил изланишлар, диалектологик ва топонимик амалиёт жараёнида Хўжайли тумани ҳудудларидан тўпланган 400 дан зиёд топонимлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** туман топонимларининг семантик хусусиятлари, уларнинг грамматик қурилиши ва таркибидаги индикаторлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда лингвистик тавсиф, тарихий-киёсий, тарихий-этимологик, баён қилиш, компонент таҳлил, статистик ҳисоб усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Хўжайли тумани топонимларнинг халқнинг тарихи, маданияти, ижтимоий муносабатларини ёритувчи лисоний бирлик сифатидаги хусусиятлари очиб берилиб, уларнинг ўзига хос лексик, грамматик моделлари ишлаб чиқилган;

топонимларнинг ономастик конверсия ва лексик-синтактик усуллар орқали ясалиши, аффиксли ва аффиксиз бўлиши, «от+от», «сифат+от», «сон+от» моделларида келиши асослаб берилган;

топонимлар учун мотив ҳисобланган ва лугавий асос қилиб олинган «жап», «хожа», «ушқын», «таўшан» каби белги-хусусиятлар ҳам да лисоний бирликлар аниқланган;

«Таслы жап», «Сўёнли», «Малақайшы», «Қумбыз» каби топонимларнинг табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан семантик хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

туман топонимлари аҳолининг жойлашув ўрни, этномаданий қадриятлари, тил хусусиятлари асосида ихчам тарзда содда лексик бирликлар билан номланиши аниқланган;

топонимлар семантик тасниф қилиниб, грамматик хусусиятларига кўра ясалиш усуллари, структур моделлари кўрсатилган;

ер-сув номларининг алифбо тартибидаги рўйхати ишлаб чиқилиб, жойлашув ўринлари туман харитаси орқали маҳалла фуқаролар йигини ва овул фуқаролар йигини кесимида белгилаб берилган;

Хўжайли тумани топонимларининг умумлаштирилган илмий-назарий хулосаларидан «Қорақалпоқ ономастикаси», «Қорақалпоқ тили лексикологияси», «Қорақалпоқ диалектологияси» фанларини ўқитишда амалий ёрдам сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлилга тортилган топонимлар Хўжайли туманидаги 1 та шаҳарча, 18 та маҳалла фуқаролар йиғини, 7 та овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган аҳоли пунктлари ва овулларнинг маҳаллий аҳолисидан сўровнома усулида йигилганлиги, тадқиқотда қўлланилган методик усуллар ва назарий материалларнинг асосли эканлиги, диссертацияда умумлаштирувчи илмий-назарий фикрлар билдирилганлиги, берилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилишидан олинган натижаларни тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Хўжайли тумани топонимларини тарихий-лингвистик тадқиқ қилиш йўллари ишлаб чиқилиб, Қорақалпоқ ономастикасидаги ер-сув атамалари тўғрисидаги тушунчалар назарий жиҳатдан бойитилди ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги топонимларни семантик тасниф қилиш, грамматик қурилиши, таркибидаги индикаторларнинг вазифаларини ўрганишда фойдаланилиши асосланган.

Тадқиқотнинг аҳамияти шундан иборатки, ишда таклиф қилинган тавсиялар, назарий билимлардан, илмий янгилик ва хулосалардан олий таълим муассасаларида ономастика бўйича махсус курсларни ўқитишда, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда, атамаларнинг этимологик таҳлили ва топонимларнинг этимологик лугатларини тузишда, янги объектларга ном беришда, баъзи топонимларни тузатиб, объектларни қайта номлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжайли тумани топонимларининг тарихий-лингвистик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хўжайли туманидаги маъноси аниқ бўлмаган жой номларининг этимологияси ва топонимларни этнолингвистик, табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида ажратиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 15 ноябрдаги 346/1 сон маълумотномаси). Натижада, Хўжайли туманидаги топонимларининг семантик хусусиятларини ўрганиш, ном маънолари, ономастикада топонимларнинг ясалиш усуллари, гап бўлақларига бўлинишини исботлаш бўйича берилган амалий хулосалар илмий манбалар билан бойитилишига хизмат қилган;

айрим топонимларнинг лугат таркибидаги фонетик ўзгаришлари, имло қоидаларига мос ёзилиши, топонимик индикаторларнинг функционал-

семантик хусусиятларига оид илмий натижалардан Хўжайли тумани худудидаги сув ҳавзаларининг турлари, табиий-географик хусусиятларини аниқлашда, гидронимларни маъносига кўра тизимлаштиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 02/06-3-286-сон маълумотномаси). Натижада, жой номлари, туман, қишлоқ, ер-сув атамаларини расмий ҳужжатларда имло хатоларисиз, адабий тил меъёрлари асосида тўғри ёзилиши таъминланган;

топонимларнинг семантик хусусиятлари, ясаиш усуллари, грамматик тузилиши ва уларнинг компонент таркибига оид олинган назарий хулосалардан географик объект номларининг шаклланишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар, ном беришда локал ҳудудий лексиканинг тутган ўрни, ер-сув атамаларининг ўзгариши, уларнинг тўғри ёзилиши ҳақидаги тавсиялардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясида «Жаслар ушын», «Тилге итибар – елге итибар» радиоэшиттиришларини тайёрлашда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14 августдаги 08/02-154 сон маълумотномаси). Натижада, халқнинг ер-сув атамалари ҳақидаги қарашларини бойитиш билан боглик лингвомаданий маълумотлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

**Натижаларнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 6 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 1 та монография, 2 та ўқув-қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 илмий мақола, шундан 4 таси республика, 3 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинди.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, асосий уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар ва Хўжайли тумани топонимлари келтирилган иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боглиқлиги, тадқиқот предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қорақалпоғистон топонимларининг тадқиқи»** деб номланади. Биринчи бобнинг **«Хўжайли ҳақида маълумотлар»** деб номланган биринчи фаслида асосан тарихий манбаларга мурожаат қилинади. Жумладан, Хўжайли – Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, тахминан унинг ёши 2400 йилга тенг. Хўжалар ўзларини пайгамбар авлодидан деб ҳисоблаган<sup>9</sup>. Хўжайли кўргонининг шаҳар сифатида илк пайдо бўлиши XVII асрнинг охиригача тўғри келади. Ўша даврларда Орол билан Хива ўртасидаги қарвонлар тўхтаб ўтадиган савдо йўли бўлган<sup>10</sup>. Шаҳардан тошдан ишланган қуролларнинг топилиши Хўжайли ҳудудида аҳолининг бизнинг эра мизгача IV - III асрлардан буён истиқомат қилишидан далолат беради. Ўрта асрдаги ёзма манбаларда Хўжайли Миздақхан деган ном билан машҳур бўлган. Шаҳарнинг энг қадимий қисми Гаур қалъа номи билан маълум бўлиб, у IV асрда қурилган. Олтин Ўрда даврида шаҳарнинг гуллаб-яшнаши ва ривожидида «Буюк ипак халқаро савдо йўли»нинг қайта тикланиши кучли таъсир кўрсатган. Ер остида қурилган Мазлумхан сулув, Шамун наби, Қирк чўпон каби архитектура масканлари алоҳида ўрин тутади. XIV аср охири XV асрларда Амударё асосий оқимининг Сарикамиш томонга ўзгариши натижасида сув танқислигининг юзага келиши, аҳолининг маълум қисмининг бошқа жойга кўчишга мажбур бўлган. XVI аср ўрталарида Амударё сувининг қайта олдинги ўзани орқали Орол денгизига қараб йўналиши билан Хўжайли қайта жонланади. Хўжайлининг тарихи билан боғлиқ манбаларнинг ўзида ҳам топонимлар бисёр. Диссертацияда фақат ўларнинг мавжудлиги ҳақида эмас, балки тарихий манбаларда келтирилган айрим топонимларнинг келиб чиқиши, этимологик тадқиқи ҳақида ҳам айтилади.

Хўжайли туманининг маркази – Хўжайли шаҳри. Майдони – 0,5 минг кв. км. (55,1 минг га). Туман Амударёнинг чап қирғоғида, Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, Тахиатош тумани, Нукус шаҳри, Шўмонай тумани билан чегарадош. Хўжайли туманининг жанубий-ғарбий томонидан Туркменистон Республикасининг чегараси ўтади. Аҳоли сони – 122,7 минг киши. Туманда 29772 оила истиқомат қилади.

Хўжайли атамасининг этимологияси ҳақида айтадиган бўлсак, Хўжа эли – хўжаларнинг эли, яъни пайгамбарлар авлоди деган маънани бериб, ҳудудида халқ ўта зич жойлашган, бу ердаги халқнинг асосий қисмини хўжалар ташкил этган. Хўжайли шаҳрининг тарихи тарихчиларнинг илмий ишларида ҳам кенг тадқиқ этилган. Жумладан, С.П.Толстов, Я.Г.Гулямов, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, С.К.Камалов, В.Н.Ягодин,

<sup>9</sup> Вамбери А. Очерки Средней Азии. – М.: 2003. – С. 128.

<sup>10</sup> Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма. – Ташкент: АН УзССР, 1957. – С. 8.

М.Мамбетуллаев, Г.Хожаниязов, М-Ш.Қыдырниязов, М.Турабеков, О.Юсупов, М.Қарлибаевнинг илмий мақола ва тадқиқотларини атаб ўтиш жоиз. Хўжайли номи уруг номи билан боғлиқ. Чунки тарихий манбалар бу ҳудудда хўжаларнинг яшаганлиги ҳақида маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам Хўжайли номи хўжалар номидан келиб чиққан деб бемолал айтиш мумкин, топонимнинг шаклланишига этноним топоасос бўлган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Қорақалпоғистон топонимларининг тадқиқи» деб номланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоқ топонимикаси қатта тарихий воқеалар асосида шаклланган соҳа бўлиб, бу соҳага оид илк тадқиқотлардан С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, Г.И.Донидзе, В.В.Бартольд, Л.В.Ошанин, Н.А.Баскаков, Я.Г.Гулямов, Э.М.Мурзаев ва бошқаларнинг илмий ишлари аҳамиятга эга<sup>11</sup>. Ўзбек тилшунослигида ҳам топонимика соҳасига алоҳида аҳамият илмий ишлар бор. Масалан, С.Кораев<sup>12</sup>, З.Дўсимов<sup>13</sup>, Т.Нафасов<sup>14</sup>, Т.Ж.Эназаров<sup>15</sup>, О.Бегимов<sup>16</sup>, А.Атажанова<sup>17</sup>, А.Туропов<sup>18</sup>, Н.Ахунов<sup>19</sup>, М.Мамедов<sup>20</sup>, А.Матгазиев<sup>21</sup> ва ҳаказо.

Қорақалпоқ тилшунослигида топонимлар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Қ.Абдимуратов томонидан 1966 йили Қорақалпоғистон топонимлари бўйича тарихий-тилшунослик йўналишида диссертация ёзилган. Унда асосий объект этиб Қорақалпоғистоннинг шимолий (Нукус, Хўжайли, Қўнгирот, Чимбой, Мўйноқ туманлари) ҳудуди, шунингдек, қибла (Тўрткул, Беруний, Амударё) туманларини олган<sup>22</sup>. Тадқиқотчи М.Қурбановнинг номзодлик диссертациясида<sup>23</sup> тилимиздаги географик терминларнинг лексика-семантик хусусиятлари тарихий манбалар асосида таҳлил этилган. Д.Юлдашевнинг диссертациясида<sup>24</sup> эса қибла Қорақалпоғистон топонимлари тарихий-этимологик жиҳатдан илк марта монографик режада ўрганилган. Сўнги вақтларда ҳам республикамиз ҳудудидаги топонимлар турли хил аспектда кенг ҳажмда тадқиқ этилмоқда.

<sup>11</sup> Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. – М.-Л.: 1947. – вып. 2; Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948; Жданко Т.А. Сверки исторической этнографии каракалпаков. – М.: 1950; Андрианов Б.В. О некоторых географических названиях Каракалпакии // Топонимика Востока. – М.: 1962; Донидзе И. Глагольные топонимы в тюркских языках // Топонимика Востока. – М.: 1964; Отрицание в тюркской топонимии // Ономастика Средней Азии. – М.: 1973; Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1965. часть III; Баскаков Н.А. Клички собак у каракалпаков // Ономастика Средней Азии. – М.: 1978; Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – М.: 1957. – С. 216. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики / Институт географии АН СССР. – М.: Мысль, 1974.

<sup>12</sup> Кораев С. Топонимия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991; Ойконимия Узбекистана: дис...д-ра геогр. наук. – Ташкент: 1998.

<sup>13</sup> Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Ташкент: Фан, 1985.

<sup>14</sup> Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Ташкент: Фан, 1985.

<sup>15</sup> Эназаров Т.Ж. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Т.: 2004; Ўзбек номшунослиги. – Т.: 2015.

<sup>16</sup> Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами: Филол. фанлари номзоди дис... – Ташкент: 1999.

<sup>17</sup> Отажонов А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг дугавий асослари: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Ташкент: 1997.

<sup>18</sup> Туропов А. Самарқанд вилояти этноним ва этнотопонимларининг таҳлили: Филол. фанлари номзоди дис... автореф. – Ташкент: 1999.

<sup>19</sup> Охунов Н. Жой номларига яширинган маъно // Тил ва адабиёт таълими. – Т.: 1991. №1. – Б. 26-30.

<sup>20</sup> Мамедов М. Халқ номлари жой номларида. – Т.: Фан, 1981. – Б. 46.

<sup>21</sup> Матгазиев А. Қадимги туркий тилга хос лексик элементлар // ЎзТА. – Т.: Фан, 1976. – Б. 58-63.

<sup>22</sup> Абдимуратов Қ. Қарақалпоқ тилининг топонимикаси билан очарклар. Канд.дисс. – Н.: 1966; Почему так названо? (На материале Каракалпакской топонимии) – Нукус: 1970. – С. 129.

<sup>23</sup> Қурбанов М. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари. АКД. – Н.: 2011. – Б. 24.

<sup>24</sup> Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи. АКД. – Нукус: 2012. – Б. 24.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) Г.Абишев «Чимбой тумани топонимларининг тарихий-лингвистик тахлили»<sup>25</sup> мавзусидаги диссертациясида туман худудидаги топонимларни тарихий-лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилинган. И.Холмурадов «Қибла Қорақалпоғистон ойконимларининг лингвистик тадқиқи» мавзусидаги диссертациясини 2020 йили ҳимоя қилди<sup>26</sup>. Г.Мамбетова «Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларидаги гидронимлари» мавзусида тадқиқот олиб борди<sup>27</sup>.

Қорақалпоғистон топонимикасида ҳали ўрганилмаган масалалар кўп. Масалан, Қорақалпоғистон топонимларининг тузилишини турли аспектларда таҳлил қилиш, қорақалпоқ классик шоирларининг асарларидаги, шунингдек, фольклорлик асарлардаги топонимларни йиғиш, уларнинг лексик, грамматик ва семантик хусусиятларини аниқлаш, топонимик лўғатларини тузиш ва ҳ.к. каби масалалар долзарб мавзулар ҳисобланади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Сўз ва топоним тушинчаси» деб номланади. Сўз тилшунослик фанининг лексикология бўлимида илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилади. Улар лексик маънога эга бўлади<sup>28</sup>. Топонимлар эса ономастика, жумладан, топонимик лексика тизимида бўлиб, қандай да бир табиий географик объектнинг бошқа объектлардан фарқли номи. У қандай ва қайси объектларнинг номлари бўлишидан қатъий назар сўз ёки сўзлар ёрдамида шаклланади. Аммо, у дастурий сўзлардан маълум бир топонимик маъно юклангани билан, номланиш жараёнида мотивланиши билан *топоасос*, *топоформант* ва *индикаторларнинг* ҳаммаси, шунингдек, топонимлашув ҳодисаси таъсирида объектларга ном бўла олиши билан фарқланади. Улардаги характерли белгиларни кўйидаги махсус масалалар асосида кўриб ўтиш мумкин:

1) сўз ва топонимнинг ўзора қатнаши; 2) топоним ва унинг лексик асоси; 3) топоасос, топоформант ва индикатор тушунчалари; 4) топонимлашув ҳолати; 5) топонимнинг лексик асосларининг мотивланиши.

Топоним сўз ёки сўзлардан шакланса ҳам, оддий сўз ёки сўзлардан фарқи бўлади. Сўз тилшуносликнинг лексикология бўлимида ўрганилади. Топонимлар эса тилшуносликнинг ономастика бўлимида тадқиқ этилади. Тадқиқотларда ҳам топонимлар бошқа ономастик бирликлар сингари кўйидаги хусусиятлари билан сўзлардан фарқланади:

1. Сўз лексик маънога эга. Сўз маъносининг тарихий ўзгаришларга учраши барча тилларда ҳам бор, чунки у жамияттаги ўзгаришларга доир бўлади<sup>29</sup>. Сўзлар тарихий нуктаи-назардан икки турли кўринишда қўлланилади:

1) Ўзининг асосий маъносида; 2) Ном яъни топоним сифатида.

<sup>25</sup> Абишев Г. Шымбай райони топонимлерининг тарихий-лингвистикалық анализи: Дисс. филол. илим. филос. док. (PhD). – Нөкис: 2019. – Б. 32.

<sup>26</sup> Холмурадов И. Эмиўдәрья райони оронимлери // Эмиўдәрья. – Нөкис: 2004. №4. – Б. 69.

<sup>27</sup> Мамбетова Г. Қарақалпақстанның арқа районлары гидронимлери: Филол. илим. филос. док. (PhD). – Нөкис: 2018. – Б. 53.

<sup>28</sup> Бу жойда апеллятив сўзлар ҳисобга олинган. Автор.

<sup>29</sup> Бердимуратов Е. Ҳазирги қарақалпақ тили. Лексикология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б. 31.

Топоним эса махсус табиий-географик объектларнинг номини онглашиб, аниқловчи хусусиятига эга индивидуал, яъни топонимик маънога эга бўлган от ҳисобланади. Бу жойда *топонимик маъно* термини энциклопедик ва ном қўйган халқнинг миллийлигини билдириб, географик ва этнографик хусусиятларни билдирадиган маънода қўлланилади. Чунки, маъносиз ва мазмунсиз номлар бўлмайди.

2. Сўз кенг маънода қандай да бир нарсани номлашга хизмат қилса, топонимлар – топонимлашув ҳолати туфайли шаклланиб, топонимик маънони билдирадиган отларнинг бир тури ҳисобланади. Масалан, *Аткеткен* синтактик бирлик – гап. У топонимик деривация ҳолати туфайли синтактик бирликдан бир бутун сўзга айланиб, топонимга ўтган: *ат+кет+кен > аткеткен > аткеткен* > Аткеткен. Бунда икки сўз ўзора қўшилиб, сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни пайдо этган. Кейин эса бу қўшма сўз ономастик конверсиянинг топонимик конверсия тури туфайли ономастик лексикага айланган ва топонимни ҳосил қилган.

Апеллятивларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тилда бор бўлган, аммо объектларни номлаш учун эмас ва топонимик маънога эга бўлмаган сўзлар.

2. Объектларни номлаш заруряти туфайли танланган ва топонимик маънога эга лексик асослар.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хўжайли тумани топонимларининг семантик таснифи**» деб номланиб, у «Антропонимлардан ясалган топонимлар», «Этнонимлардан пайдо бўлган топонимлар», «Фитонимлардан ҳосил бўлган топонимлар», «Зоонимлардан пайдо бўлган топонимлар», «Геоморфологик топонимлар», «Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни акс эттирувчи топонимлар», «Агиотопоним ва некротопонимлар» деб номланган фасллардан ташкил топган.

*Антропонимлардан ясалган топонимлар.* Одамларнинг исмлари, лақаби ва фамилияларидан ясалган жой номлари, атоқли отларнинг жой номига айланишини Хўжайли тумани топонимлари мисолида қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

1. Исм ва фамилиялардан ясалган, ҳеч қанақа қўшимчаларсиз жой номларига айланган топонимлар. Масалан, *Аббаз Дабылов, Айбек* ва бошқалар.

2. Исм ва титул номидан ташкил топган топонимлар: *Айдосбий, Бегжан, Муртазабий* каби.

3. Исм ва лақаб асосида пайдо бўлган топонимлар: *Бегисбатыр, Бажбан* ва шу кабилар.

*Этнонимлардан ясалган топонимлар.* Хўжайли тумани топонимик харитасига киритилган қишлоқ ва аҳоли пунктларига қўйилган номлар орасида энг кўп тарқалгани найман уруги номидир: *Найман ауыл*.

Баймақлы – қорақалпоқларнинг таниқли уругларидан бири бўлиб, бу ном туманда овул номи сифатида сақланган: *Баймақлы ауыл*.

Жанқоңырат – қорақалпоқларнинг машхур уругларидан бири. Унга боглиқ *Жанқоңырат* атамаси мавжуд. Шунингдек, *уйғыр* уруги билан боглиқ топоним мавжуд. Масалан: *Уйғыр ауыл*. Этнонимлар туманда топоним сифатида қўлланиши жиҳатдан антропонимдан кейинги ўринни эгаллайди. Улар тумандаги муайян этник катлам вакиллари жойлашган маскандаги этногидроним, этноороним, этнонекронимларни юзага келтирган. Қорақалпоқ уруг номларидан ҳосил бўлган топонимлар худудда анча кўп қисмни ташкил этади. Шунингдек, Хўжайли туманида тарқалган этнотопонимлар орасида бошқа миллат вакилларининг ҳам мавжудлигини, тарқалганлигини, яшаганлигини билдирувчи жой номлари ҳам мавжуд. Уларга туркман, қозоқ, рус, ўзбек, корейс каби миллатлар билан боглиқ жой номларини мисол килишимиз мумкин: *Элим ауыл, Иван жеп, Сэбик ауыл*.

Фитонимлардан ясалган топонимлар. Хўжайли тумани худудида тарқалган фитотопонимлар таркибида ёввойи ўсимликлардан *Ақтерек, Байтерек* каби ўсимликлар номидан олинган ўрин-жой отлари такрорланиб келади.

Зоонимлардан ясалган топонимлар. Хўжайли тумани топонимиясида қушлар ва ҳайвонлар номидан ҳосил бўлган топонимлар маълум ўринни эгаллайди. Туман зоотопонимлари ҳайвон ва бошқа жонзотлар номларидан ясалиш хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) уй ҳайвонлари номидан ясалган топонимлар: *Аткеткен*.

2) ёввойи ҳайвонлар номларидан ҳосил бўлган топонимлар: *Таушан, Доңызлы*.

3) қуш номларидан ясалган топонимлар: *Тауық ферма, Қарабайлы*.

Геоморфологик топонимлар: 1) Объектнинг ранги билан боглиқ топонимлар; 2) Объектнинг сифат белгиси билан боглиқ топонимлар; 3) Объектнинг миқдори, сони билан боглиқ топонимлар. 4) Топотопонимлар. 5) Ўхшатиш асосида шаклланган топонимлар. 6) Халқ истаги, гоёлари асосида пайдо бўлган топонимлар. 7) Иқтисодий-ижтимоий ҳаётни акс эттирувчи топонимлар. 8) Агиотопоним ва некротопонимлар деб ажратиб ўрганилган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ифодаловчи топонимлар. Хўжайли шаҳрининг атрофида қадимдан дехқончилик, чорвочилик, балиқчилик, хунармандчилик ва бошқа соҳалар ривожланиб, зарурли асбоб-ускуналар, уй-рўзгор буюмларини тайёрлайдиган хунарманд, усталар пайдо бўлган. Кишилар тайёрлаган маҳсулотларини “Ипак йўли” орқали бошқа мамлакатларга жўнатиб туришган. Хунармандчилик билан боглиқ бўлган номлар кўплаб худудларга ном сифатида берилган: *Малақайшы, Түйекеш, Тандырышы, Қумбыз, Зергер, Балықшы* каби жой номлари бор.

Агиотопоним ва некротопонимлар. Муқаддас деб ҳисобланувчи нарсалар, объектлар, яққа одамларнинг атоқли исмлари агионимлар (агио - муқаддас + опота - атоқли ат) мазорлар, қабристонлар ва шу типтаги муқаддас қадамжойларнинг атоқли номлари некронимлар деб аталади. Агионим ва некронимлардан пайдо бўлган географик объектлар

агиотопонимлар, некротопонимлар деб юритилади. Топонимларнинг маълум бир қисми авлиёлар, пирларнинг номлари билан аталган бўлса, маълум бир қисми эса афсонавий шахсларнинг номлари билан боғлиқ: *Миздакхан комплекси, Жомарт қассап, Шамун набий, Пирим хожа ийшан, Ибн Қутлы Мухаммед хожа, Юсуп ийшан.*

Диссертациянинг «**Хўжайли тумани топонимларининг грамматик тузилишига кўра тавсифи**» деб номланади. У учта фаслдан иборат. Биринчи фасл «**Топонимларнинг лексик асосларини тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланади.

Топонимларнинг лексик асосларини тадқиқ қилишда асосан кўйидаги лингвистик усуллардан фойдаланамиз ва бу усуллар топонимларнинг тарихий-лингвистик таҳлилида ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар асосида маълум хулосаларга келишимиз мумкин.

*Реконструкция усули.* Реконструкция усулининг 3 тури мавжуд: 1) фонетик; 2) морфологик; 3) семантик.

Бу усул топонимнинг илк ҳолати ва илк маъносини аниқлаш ва кўрсатишга аниқлик киритади. Бу усулни кўйидагича уч типга ажратиб ўрганиш макул:

1. Фонетик реконструкция усули. Топонимнинг шаклланишида фонетик узгаришлар шу усулда эътиборга олинади.

2. Морфологик реконструкция усули. Бу усул билан топонимларнинг маъно қисмлари шаклий қайта тикланади.

3. Семантик реконструкция усули. Бу усул ёрдамида топонимларнинг унитилган маънолари реконструкция қилинади.

I. Фонетик реконструкция усули. Реконструкция усулининг биринчи тури орқали топонимнинг илк ҳолатини, шунингдек, илк маъносини тиклаш учун *Хўжайли* топонимини олиб қарасак, унинг келиб чиқиши, шаклланиши ва маъноси ҳақида кўйидагича таҳлил қилиш мумкин:

Огзаки нутқ товушлари комплексида маъно бўлгани сингари сўзларда, айниқса, топонимларда ҳам огзаки нутқ товушларининг йиғиндиси билан бир бутун маъно онглатилади. Мана шу ҳалот топонимларнинг лингвистик таҳлили жараёнида қўлланиладиган фонетик усулда эътиборга олинади. Бу усул билан топонимни ясаган сўзларнинг қандай фонемалардан куралиши ҳам уларнинг сўзлаш жараёнида ҳар хил фонетик ўзгаришларга учраши аниқланади. Масалан, *Хўжайли* топонимининг пайдо бўлиши ҳақида кўйидагича таҳминлар бор. Бу топоним *хўжалар* ва *ел* бирликларидан ясалган. «*Хўжалар яшаган эл*» ёки «*Хўжалар эли*». Бизнингча, топонимга асос бўлган *хўжалар* ва *эл* сўзлари бирикиб, *хўжалар* сўзидаги кўплик шакл қискариб, *хўжа* шаклига келган ва унга *эл* сўзининг кўшилиши орқали *хўжайели* сўзи шакллаган, кейинчали фонетик қонун асосида *хўжа* ва *эли* сўзларининг бирикиши жараёнида *хўжа* ўзагидаги *а* товуши тушиб қолган, натижада *хўжайли* сўзи шаклланган, сўнгра *Хўжайли* топоними пайдо бўлган.

Демак, фонетик усул топонимларнинг лингвистик таҳлилида аҳамиятли омиллар тизимига киради.

II. Морфологик реконструкция усули. Бу усулга тополексемалар, яъни ўзак, кўшма сўзлар тегишли. Мана шу усулда географик номларни юзага келтирган лексик асослар ва уларнинг қайси катламга тегишлилиги масаласи эътиборда туради. Топонимлар амалда бир ёки бир нечта лексик асослардан ясаллади. Уларнинг қайси тилга тегишлилигини аниқлаш лексик усулнинг вазифаси ҳисобланади.

Диссертацияда реконструкция усулнинг иккинчи тури орқали топонимнинг илк шаклини тиклаш учун *Кулаб* топонимини мисол қилиб олдик. Унинг келиб чикиши, шаклланиши ва шакли ҳақида қўйидагича фикрлар бор:

*Кулаб* – маҳаллий информаторнинг<sup>30</sup> маълуматида кўра маҳаллий одамлар кўлдан ариқ қазиб, қишлоққа сув олиб келиб, шу сув билан ерларини сувғаришган, мол бақиб, тирикчилик қилишган. Ушбу топоним иккита маъноли қисмдан иборат бўлиб *кўл* ва *яб* (*арик*) сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган.

1. *Кўл* от. Айланаси табиий ёки ясама турда туйиқланиб сув, ётган ер.<sup>31</sup>
2. *Жап*(арик) от. Ичидан сув утказиш учун қазилган арна, канал.<sup>32</sup>
3. Бизингча, ушбу топоним икки маъноли ўзак сўздан иборат.
4. Бул топоним *кўл* эски туркий сўзи.<sup>33</sup>

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, бу сўзни форс тилидаги «сув» маъносини билдирадиган *аб* (*об*) сўзи билан боғлайди.<sup>34</sup> Бизинг фикримизча, бу топоним *жап* (*яб*, *арик*) индикатори билан боғлиқ. Бу топоним фонетик узғаришга учраб *кўл-кул*, *жап-аб* яъни *Кўл жап* эмас, балки, *Кулаб* бўлиб қўлланилиб келмоқда.

III. Семантик реконструкция усули. Реконструкция усулининг учинчи тури орқали топонимнинг илк маъносини тиклаш учун *Туба атыз* топонимини қараб чиқайлик. Унинг келиб чикиши, шаклланиши ва маъноси ҳақида қўйидагича фикрлар мавжуд:

1. *Туба* от. Дарёнинг жой огадиган кичкина бир тармоги ёки кўл, кўлтиқ<sup>35</sup>.
2. *Атыз* от. Экин экиладиган умимий ернинг бир қисми, кичкина бўлими<sup>36</sup>.

Бир қораганда бу сўзларнинг орасида маъновий алоқа йўқтай кўринади. Аммо, бу *Туба* кўлининг ёнида жойлашганлиги туфайли *Туба атыз* деган ном олган. *Туба* кўлига ёқин жойдаги авулни эса *Туба ауыл* деб атайди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Хўжайли тумани топонимиясида қўлланиладиган топонимик индикаторлар**» деб номланади. *Топонимик*

<sup>30</sup> Хожаниязов Ешан. Кулаб АПЖ, Найман елатлы пункт турғъны. 93 жаста.

<sup>31</sup> Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1988. III том. – Б. 12.

<sup>32</sup> Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1984. II том. – Б. 176.

<sup>33</sup> Махмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). 111 т. – Б.148-149.

<sup>34</sup> Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М.: Мысль, – С. 645.

<sup>35</sup> Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. IV том. – Б. 353.

<sup>36</sup> Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1982. I том. – Б. 117.

